

## Аллоҳ пок нарсани қабул қилади



15:07 / 26 декабрь 784

Пайғамбарлар қиссасидаги энг гўзал ҳиссиёт – уларнинг ҳам биз каби инсон бўлганликларидир. Аллоҳ таоло бизга иймон инсон табиатини ўзгартирмаслигини, балки уни тарбия қилишини англатишни хоҳлаяпти. Иймон шаҳватларни вайрон қилмайди, балки уларни тартибга солади!

Нух алайҳиссалом ўғилларининг чўкаётганидан қийналди. Оталик туйғуси билан ўғлини ҳимояси учун Аллоҳга муножот қилди. Аммо Робби бундан қайтаргач, тўхтади. Мусо алайҳиссалом сеҳргарлар арқон ва асоларини ташлаганида кўрқди. У кишининг иймони заиф эмас эди. Аммо у киши ҳам инсон эди. Инсонлигига бориб кўрқди. Аллоҳ билан роз айтиб қавми олдига қайтганида уларнинг бузоққа ибодат қилаётганини кўриб ғазабланди. Қўлидан Таврот лавҳлари тушиб кетди. Зеро, баъзи бир ҳолатлар инсонни инсонлик чегарасидан чиқариб юборади!

Оламларнинг саййиди бўлмиш Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бошқа пайғамбар биродарлари каби башар эдилар. Инсон эканликларини айтишдан уялмас эдилар. Инсонлик нуқсон эмас. Аксинча, ана шу жиҳатнинг ўз мўъжиза бўлади. Ҳисларинг билан, ташвишларинг билан, маҳзунлигинг билан, қайғунг билан инсонлигингча қолиб, сўнгра оламини ўзгартиришга ҳаракат қилишинг мўъжизадир!

Бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга дедилар:

«Мен ҳам инсонман. Менинг ҳузуримга хусуматлашиб келасизлар. Эҳтимол баъзингиз бошқангиздан далил келтиришда моҳирроқ бўлар. Мен эшитганимга кўра унинг фойдасига ҳукм чиқараман. Мен кимга бир ҳақни ҳукм қилсам, демак, унга дўзахдан бир парчани кесиб берибман. Истаса уни олсин, истамаса ташласин!»

Қозининг ҳузурига хусуматлашиб келган икки кишининг бири эҳтимол гапга уста бўлиб, бошқаси ожиз бўлади. Қози гапга уста инсоннинг чиройли далил келтиргани учун унинг далилига қараб унинг фойдасига ҳукм чиқаради. Энди Савол: Қозининг ҳукми ҳалолми ёки ҳаром?

Аллоҳга қасамки, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чиқарган ҳукмлари кишига биродарининг ҳаққини ейишни ҳалол қилиб бермайди. Қозининг ҳукмини қўяверинг!

Бугунги мусулмонлар мубтало бўлган нарсалардан бири шуки, кишилар ҳалолни қиладилар, аммо ҳаромдан сақланмайдилар. Аввалгилар динни ҳалолни қилишдан кўра кўпроқ ҳаромдан сақланишда деб билишар эди!

Молик ибн Динор роҳимаҳуллоҳ айтади: «Кишининг юз минг дирҳам садақа қилганидан, ҳаром бўлган бир дирҳамни тарк қилгани яхшироқдир!»

Ҳалолни яхши ҳам, ёмон ҳам, солиҳ ҳам, осий ҳам қилаверади. Аммо ҳаромдан фақатгина қалби Аллоҳ учун холис бўлганларгина қайтади.

Бир фирибгарлик билан кун кўриб, кўп одамни чув туширган киши ойнаи жаҳондан ўзининг ҳаж ва умра қилганини, садақа қилганини айтяпти. Эҳтимол унинг гапи ростдир. Аммо у шуни билиши керакки, бировнинг ҳақини алдов билан ўзлаштиришни тўхташи унинг қилган ҳаж ва умрасидан яхшироқдир!

Ёлғончи ва хиёнаткор савдогар етимни кафилликка олиши мумкин. Бу улуғ иш. Аммо унинг хиёнатдан ва ёлғондан сақланиши, кишиларнинг молини ҳаром йўл билан ейишдан сақланиши бундан ҳам улуғроқ ишдир. Чунки Аллоҳ таоло покиза Зотдир. Покиза нарсаларни қабул қилади!

Тунги бар соҳиби бўлган киши масжид очганидан, унинг қурилишига ҳиссасини қўшганидан гапирди. Аммо унинг ўз тунги барини ёпиши Аллоҳ учун масжид бино қилганидан суюклироқдир!

Наша ёки маст қилувчи ичимликлар сотадиган киши Рамазонда ифторлик қилиб берганини гапирди. Аслида унинг наша ва ароқ сотишни тарк

қилиши Рамазонда ифторлик қилиб берганидан яхшироқдир!

Тоат мақталган бўлса-да, ҳақиқий амалий иймон тоатда эмас, гуноҳлардан сақланишдадир!

**Абдулқодир Полвонов**

**«Ҳилол» журнали 5(62) сон**